



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таштемиров Анвар Алиқулович
ИИБ Академияси Маъмурий ҳуқуқ
кафедраси катта катта ўқитувчиси

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2024
Accepted: 04th June 2024
Online: 05th June 2024

KEY WORDS

Ахборот технологиялари,
ахборот тизими,
фирибгарлик, жиноий
ҳуқуқий тавсиф, мулкий
тажовуз, виртуал макон,
талон-тарож.

ABSTRACT

Мақолада, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг тушунчаси, турлари, жиноий ҳуқуқий тавсифи, ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилиш усул ва воситалари ҳамда содир этилишининг ўзига хос жиҳатларига оид масалалар ёритилган.

Жамиятда инсонлар фаолиятлари жараёнида бир-бири билан ижтимоий муносабатларга киришар экан, ушбу жараён ўзининг турли кўриниш ва шакллари билан бир биридан фарқ қилади. Аксарият инсонлар самимий, қонунчилик ва одоб ва ахлоқ нормалари доирасида бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилган ҳолда ўзаро муносабатда бўлсалар, жамиятда яна бир тоифа вакиллар ҳам борки, улар инсонларнинг соддалиги, ишонувчанлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етмасликларидан фойдаланган ҳолда, бошқаларнинг ишончига кириш орқали ёки яширин тарзда уларнинг мулкини, ёки мулкий ҳуқуқини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар ва энг ёмони, ушбу тоифадаги шахсларнинг аксарияти бундай қинғир ишларни ўзларининг асосий тирикчилик манбаига айлантириб олганлар. Сўнгги пайтларда Республикамизда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар миқдори умумий содир этилган жиноятлар статистикасига нисбатан ошиб бораётганлиги ҳам бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Республика бўйича 2023 йилнинг 10 ойи давомида умумий содир этилган жиноятлар сони 82074 тани ташкил этган бўлса, шундан ўзгалар мулкини талон тарож қилиш билан боғлиқ бўлган, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талаон тарож қилиш (ЖКнинг 167-м) жиноятлари сони 4548 тани, фирибгарлик (ЖКнинг 168-м) жиноятлари сони 13639 тани, (ЖКнинг 169-м) ўғрилик жиноятлари сони 11218 тани ташкил этиб, айнан ана шу уч турдаги жиноятлар сони Республика бўйича жами содир этилган жиноятларнинг 35,8% ташкил этишининг ўзи ҳам бу борадаги жиноятчиликка қарши курашишнинг янгича, замонавий методларини ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатмоқда[1].

Юқорида келтириб ўтилган статистик таҳлилдан шу нарса кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қайд этилган барча турдаги жиноятлар орасида, шунингдек ўзгалар мулкни талон тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар орасида ҳам фирибгарлик (ЖКнинг 168-м) жинояти энг кўп содир этилган жиноят эканлигини кўриш мумкин. Яъни, Республика бўйича жами содир этилган жиноятларнинг 16,6 % ни, бошқача қилиб айтганда ҳар содир этилган 6 та жиноятдан 1 таси фақат фирибгарлик жинояти эканлиги маълум бўлади.

Шунинг учун фирибгарлик жиноятларини чуқур ўрганиб, таҳлил этган ҳолда, ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишининг олдини олиш ва унинг профилактик чора-тадбирлари самарадорлигига эришиш, фуқароларнинг мулкий дахлсизлигини ҳимоя қилиш, бундай турдаги жиноятлар содир этилишининг камайишига эришиш, шу билан бирга фирибгарлик билан боғлиқ содир этилган жиноятларни иссиқ изидан тез ва қисқа фурсатларда фош этиш орқали жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда қонун устуворлигига эришишни асосий мақсад сифатида белгилаб олиш зарур.

Фирибгарлик мулкка тажовуз қилишнинг бир тури сифатида ижтимоий-хавфли, шароитга мослашувчан ҳаракат бўлиб, турли кўринишларда номоён бўлади, жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари ҳам. Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган бўлиб, жиноят қонунчилигидаги фирибгарлик тавсифи унинг таърифи сифатида ишлатилиб келинади. ЖКнинг 168-моддаси диспозицияси қуйидагича акс эттирилган: “Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш”.

Ўзгалар мулкни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш, ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг бошқа турларига қарганда энг кўп тарқалган ҳамда ҳозирги кунда шиддат билан ортиб бораётган жиноятлардан бири ҳисобланади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик тушунчасига турли адабиётларда ҳар хил ёндашув мавжуд бўлиб, асосий ёндашув жиноятнинг объектив томони, яъни мулкка тажовуз қилишнинг усули билан изоҳланган. Фирибгарлик тушунчасига изоҳ беришда луғавий, теологик, жиноят ҳуқуқий (доктринал) ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосидаги ёндашувдан келиб чиқиш мақсада мувофиқ.

Биринчидан, фирибгарлик тушунчаси таҳлилининг луғавий маъносига тўхталиб ўтамиз. Ўзбек тили изоҳли луғатида “фириб” (алдовчи, алдамчилик, йўлдан оздириш, ҳийла, макр) кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш, алдаш, ҳийла-найранг; макр маъноларини билдиради. “Фирибгар” (фириб берувчи, ҳийлагар, алдоқчи) алдамчилик, товламачилик, макру-ҳийла билан шуғулланувчи кимса; товламачи, ҳийлагар маъноларини билдиради. “Фирибгарлик” - алдамчилик, ҳийлагарлик маъноларини билдиради[2].

Иккинчидан, Авесто ҳуқуқий манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади ҳамда унда фуқаролик, суд ҳуқуқи нормалари ҳам мавжуддир[3]. Жумладан, Авестода мулк ва мулкий муносабатлар ҳам тартибга солинган бўлиб, ушбу даврда мол-мулк тақсимооти

ҳам асосан ҳарбий қудратга қаратилган ҳамда мулк асосан оқсоқоллар, ҳарбий бошлиқлар ва мўътабар шахслар қўлида тўпланган[4].

Учинчидан, ЖКнинг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” учинчи бўлими, X-боби “Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш” деб номланиб, 168-моддада фирибгарлик тушунчаси келтирилган. Унга кўра “ Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш” деб таърифланиб ушбу модданинг учинчи қисми г) бандида “ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса” деб фирибгарликнинг бир турининг жиноят ҳуқуқий таърифи ҳисобланади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг криминалистик тавсифи элементлари қуйидагилардан иборат: жиноят содир қилиш тўғрисидаги дастлабки ахборотлар; фирибгар шахси; жиноятнинг содир этилишидаги шарт-шароитлар; фирибгарликнинг содир этилиш йўли, уни яшириш усуллари ва ўзига хос оқибатлари; жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликдан жабрланган шахслар ёки уларнинг қариндошлари берган аризаларда, айрим ҳолларда эса давлат, жамоат, корхона, ташкилот ва муассасалардан келиб тушган ҳужжатларда жиноят содир этган шахс тўғрисида муайян маълумотлар қайд этилади. Шу билан бирга, жиноят ҳодисаси, унинг содир этилиш механизми, эпизодлари ва бошқа иш учун муҳим ҳолатлар тўғрисида етарли маълумотлар бўлмайди.

Дастлабки маълумотларнинг таснифини аниқлаш жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этилишига, содир бўлган воқеанинг таърифи, жиноятни содир қилиш йўли ва уни яшириш усуллари, жиноятчининг шахси тўғрисидаги асосли гумонларни ишлаб чиқилишига ёрдам беради ва натижада мавжуд ҳолатни тўғри баҳолаш, унинг йўналишини белгилаш ва фирибгарни қидириш ҳамда у томонидан қонуний ўзлаштирилган мулкни топишга тўғри йўналиш беради.

Содир этилган жиноятларни қисқа фурсатларда аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш учун хусусий криминалистик методика катта аҳамиятга эга. Ушбу методиканинг асосий қисмлардан бири бу ҳуқуқий криминалистик тавсиф. Ундан ҳар бир жиноятнинг фош этилиши бошланади. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни ҳуқуқий криминалистик тавсифи – ушбу турдаги фирибгарлик сифатида ўзгалар мулкини ахборот-коммуникацион технологиялар, компьютер техникаси, Интернет тармоғи ёрдамида виртуал маконда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш фактини содир этиш тушунилади. Умуман олганда ушбу криминалистик тавсиф мазмунида, жиноятни содир қилишда қўлланилган ва кенг тарқалган усуллар, уларнинг манбалари, ишга дахлдор моддий излар, шу жиноятнинг ўзига хос бўлган типик вазиятлари, шунингдек жиноят изларини яшириш жойлари, жиноятни яшириш, ниқоблаш воситалари, жиноятчиларнинг малакалаш ва жиноий алоқани таърифловчи тегишли асосий криминалистик жиҳатларига оид ҳолатлар белгиланган. Мазкур турдаги жиноятларга қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг содир этилиши бошқа жиноятлар содир этилишидан фарқ қилади. Жабрланувчилар виртуал маконда ёки ижтимоий тармоқ, банк тизимида, пластик карталар ва бошқа ускуналардан фойдаланган ҳолда фирибгарлар билан муайян вақт давомида, нисбатан қисқа муддат (1 кун, ёки бир неча маротаба қисқа-қисқа вақт) давомида ўзаро муносабатда бўладилар;

2) ушбу турдаги жиноятни содир этган фирибгар ўзининг ақл-фаросати, дунёқараши, фикрлаш доираси ва хулқ-атвори билан бошқа турдаги ғаразли жиноятларни содир этувчи (ўғри, талончи, безори) шахслардан фарқ қилади. Улар жиноятни содир этишда олдиндан ўйланган тактик режалар асосида, ўзларининг айёрлиги ва киришимлилиқ қобилиятларини ишлатиб одамларни ўзига жалб этадилар, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва қизиқиш уйғотадилар;

3) ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ўз ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очиқ кўнгиллик билдирадилар ва шу билан ўзларининг алданиб қолганлигини сезмай қоладилар.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни содир этган жиноятчиларни шартли равишда қуйидаги тўрт гуруҳга бўлса бўлади:

- виртуал маконда доимий равишда кезиб юрадиган фирибгарлар. Улар жиноятни содир этиши билан бошқа ҳудудларга ёки республикадан ташқарида ўз фаолиятини олиб борадилар;
- ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик бўйича бир неча бор судланган шахслар;
- тажрибасиз, аммо қизиқувчан шахслар ўзларининг характерлари оқибатида ёки бошқа шахслар ва ҳолатлар таъсирида биринчи маротаба фирибгарликни содир этган шахслар;
- олдин судланмаган, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган узоқ чўзилган фирибгарликни содир этган шахслар.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг криминалистик тавсифи элементлари қуйидагилардан иборат:

- жиноят содир қилиш тўғрисидаги дастлабки ахборотлар;
- фирибгар шахси;
- жиноятнинг содир этилишидаги шарт-шароитлар;
- фирибгарликнинг содир этилиш йўли, уни яшириш усуллари ва ўзига хос оқибатлари;
- жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар.

Дастлабки ҳужжатлардаги маълумотларнинг мазмуни ва ҳажмида кўп ҳолатларда жиноятнинг таркибига оид айрим элементлар мавжуд бўлади.

Фирибгарликдан жабрланган шахслар ёки уларнинг қариндошлари берган аризаларда, айрим ҳолларда эса давлат, жамоат, корхона ва муассасалардан келиб тушган ҳужжатларда жиноят содир этган шахс тўғрисида жуда юзаки маълумотлар, асосан қандай мулоқотга киришганлиги қайд этилади. Шу билан бирга, жиноят

ҳодисаси, унинг содир этилиш механизми, эпизодлари ва бош-қа иш учун муҳим ҳолатлар тўғрисида етарли маълумотлар бўлмайди.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни содир этиш йўли ва усулини танлашда фирибгарнинг шахси асосий роль ўйнай-ди. Бу ҳозирги кундаги амалиётда яққол кўринади. Фирибгар-нинг типик хусусиятлари мавжуд. Фирибгар ахборот технологияларни яхши ўзлаштирган, ўткир зеҳнли, ўта хаёлпараст ва ривожланган шахс бўлиб, интернет, ижтимоий тармоқда одамлар эътиборини ўзига қаратиш ва уларнинг ишончига кира олиш қобилиятига эга.

Фирибгарлик ҳаракати жамият учун жуда хавфлидир. Фириб-гар-лар-нинг айёрлиги, уddaбуронлиги бевосита фирибгарлик жиноятига қарши курашишни қийинлаштиради. Шу боис тергов ва суриштирувни олиб боровчи шахслар фирибгарларга оид ўзига хос таърифнома-ларни билишлари лозим. Бунда муайян гумонланаётган шахс ва жабр-ланувчи тўғрисидаги маълумотларни атрофлича ўрганиш талаб қилинади .

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг содир этилиши кўпроқ объектив омиллар билан белгиланади. Улар-га тажовуз қилинаётган предмет хусусияти, унинг вақти, жойи ва жиноят содир этишнинг бошқа объектив шарт-шароитларини кири-тиш мумкин. Бундай шарт-шароитларга жабрланувчи шахси тавсифини ҳам қўшиш керак. Масалан, фирибгарлар томонидан жабрланувчининг жабрланувчи томонидан жиноий йўл билан топилган сармояси борлигини билиб олиб, ноқонуний равишда ахборот технологиялар орқали кириш мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳаракатлари, унинг тажовуз учун мавжуд сармоя жиноят содир қилинишига маълум таъсир кўрсатади.

Жиноятни содир қилиш йўлини аниқлаш учун жиноятчининг тегишли малакалари даражасини белгилаш, яъни жиноятни содир этишда қўлланилган усул, тажовуз қилинаётган мулк ва унинг эгасини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Жабрланувчининг шахсини ўрганишда ва жиноят содир бўли-ши-да, унинг роли қандай эканлигини ёдда тутиш керак, чунки у томо-ни-дан ҳам жиноят содир этиш ёки унга суиқасд қилиш имконияти бор.

Ушбу турдаги фирибгарлик мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида кўп тарқалганларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулккий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, нафақат унинг содир этилиши вертуал усули, балки қонунда махсус белгиланган тажовуз қилиш предмети ҳам ҳисобланади.

Ушбу турдаги фирибгарлик жиноятларининг ижтимоий ҳавфлилиги мулкни турли шаклларда тажовуз қилиш билан белгиланади. Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятлари (ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятлар) нисбатан фирибгарлик жиноятлари анча мураккаб шаклда намоён бўлади.

Жиноят кодексининг 168-моддаси ва Олий суд Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3 бандида “Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол

қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради". Ушбу усуллардан фойдаланган ҳолда жиноятчилар мол-мулкни бошқарган шахсларни йўлдан оздирадilar ва бу шахслар фирибгарлик ёки ишончни бузганликлари тўғрисида хабардор бўлмаганликлари сабабли уни ихтиёрий равишда жиноятчига топширадilar. Фирибгар томонидан сохта маълумотлар жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, улар жиноятчининг шахси, унинг ҳуқуқлари ва ваколатлари билан боғлиқ, бошқаларида - ҳуқуқий фактлар, воқеалар ва бошқалар билан боғлиқ. Ёлғон оғзаки, ёзма ёки бошқа ҳар қандай шаклда кўрсатилиши мумкин. Фирибгарлик усули сифатида ишончни суиистеъмол қилиш одатда жиноятчининг махсус ваколатлари мол-мулкни тортиб олишда ёки мулк жойлашган жойдаги ёки унинг ҳимояси остидаги шахс билан шахсий ишонч муносабатларида ўзини намоён қилади[5].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятининг предмети: 1) ўзганинг мулки; 2) ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ одатда турли хилдаги ҳужжатларда мустаҳкамланади. Масалан, мулкни тасарруф қилишга ҳуқуқ берувчи ишончнома. Шундай қилиб, фирибгарликнинг асосий принципи – жабрланувчи билан ишончли муносабатларни ўрнатиш орқали йўлдан оздириш ва ушбу ишончдан фойдаланиб, жабрланувчиларнинг мулкига ёки мулкка бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда топширишга ундашда номоён бўлади. Айнан ана шу ихтиёрийлик ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа турдаги жиноятлардан фарқ қилади[6].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, айнан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг иқтисодиётга таъсири натижасида мамлакатнинг кейинги ривожига сунъий тўсиқлар юзага келади. Ушбу тўсиқлар бартараф қилинмас экан, жамиятда иқтисодий тангликлар кучайиб бораверади. Иқтисодий танглик эса инсонларнинг давлат органларига нисбатан ишончсизлигини ва мамлакатда турли тартибсизликлар вужудга келтириш хавфини кучайтиради.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони // <https://lex.uz/docs/4740345>.
3. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(22), 116-123.

4. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
5. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
6. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.
8. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
9. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
10. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
11. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
12. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.
13. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзигахослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.
14. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий мақола //Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo.7262974>. – Т. 7262974.
15. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Ч–Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 606 б.

16. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. –2023. –Т. 6. –No. 1. –С. 5-15
17. Бобоев Х., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги.-Т.: ТМИ, 2004. Б. 32. // <http://unicat.natlib.uz:8088/ru-RU/Record/Details/f771f2b3-735f-419e-9394-33d79e1852d7> (16.06.2022й.да мурожаат қилинган).